



Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2019 йил июль ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, раислик этувчи судья А.Олтибоев, халқ маслаҳатчилари Г.Хамраева ва М.Якубжановалардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси А.Хасановнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Р.Мирзаев, [REDACTED]

[REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Ш.Садиковларнинг иштирокида, судланувчи [REDACTED] нисбатан жиноят ишини кўрди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1978 йил 10 сентябрь куни Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 1 нафар фарзандлари бор, судланмаган, ишсиз, Самарқанд шаҳар “Наврўз” маҳалласида яшайди, иш бўйича унга нисбатан “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2019 йил 19 май кунидан ҳибсда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 2019 йил 27 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан,

[REDACTED] 1983 йил 24 март куни Самарқанд туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 4 нафар фарзандлари бор, судланмаган, ишсиз, Самарқанд тумани “Шурбойи” маҳалласида яшайди, иш бўйича унга нисбатан “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2019 йил 19 май кунидан ҳибсда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 2019 йил 27 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди ва 273-моддаси 5-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] келгусида гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида, 2018 йил январ ойида Тошкент шаҳрида хусусий шахслардан ҳар бир таблеткаси 0.05 граммдан бўлган 70 конвалютада жами 700 таблеткадан иборат кўп миқдордаги “Трамадол” гиёҳвандлик воситасини жами 2.100.000 сўмга харид қилиб, шундан бир қисмини истеъмол қилиб, истеъмолидан қолган ҳар бир таблеткаси 0.05 граммдан бўлган 18 конвалютада жами 180 таблеткадан иборат бўлган 9 грамм кўп миқдордаги “трамадол” гиёҳвандлик воситасини 2019 йил 17 май куни соат 15⁰⁰ да Самарқанд шаҳар А.Темур кўчасида судланувчи [REDACTED] 1.800.000 сўмга қонунга хилоф равишда сотган.

Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг айбли ижтимоий хавфли қилмишини давом эттириб, такроран, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида муқаддам истеъмол қилган ва сотишдан қолган ҳар бир таблеткаси 0.05 граммдан бўлган 30 конвалютада жами 300 таблеткадан иборат бўлган 15 грамм кўп миқдордаги “трамадол” психотроп воситасини 2019 йил 18 май куни соат 14⁰⁰ да Самарқанд шаҳар А.Темур кўчасида судланувчи Хакбердиев Дилшод Шодикуловичга 2.100.000 сўм ва 50 АҚШ долларида қонунга хилоф равишда сотган вақтида ҳодиса жойида ушланган.

Судланувчи [REDACTED] келгусида гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида 2019 йил 17 май куни соат 15³⁰ ларда Самарқанд шаҳар А.Темур кўчасида судланувчи Хамидов Мехродж Муминжоновичдан ҳар бир таблеткаси 0.05 граммдан бўлган 18 конвалютада жами 180 таблетка 9 грамм кўп миқдордаги “трамадол” гиёҳвандлик воситасини 1.800.000 сўмга қонунга хилоф равишда сотиб олиб, шундан сўнг 2019 йил 17 май куни соат 15³⁰ ларда Самарқанд шаҳар Регистон маҳалласи ҳудудида, Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 7-сонли ИИБ ЖКБ тезкор вакиллари томонидан ўтказилган тезкор тадбир жараёнида, тадбир иштирокчиси “Жаҳон” исмли шахсга, ушбу 18 конвалютадаги жами 180 таблетка “трамадол” гиёҳвандлик воситасининг бир қисмини, яъни 9 конвалютадаги жами 90 таблетка 4.5 грамм кўп миқдордаги “трамадол” гиёҳвандлик воситасини 900.000 сўмга қонунга хилоф равишда сотган вақтида ҳодиса жойида ушланиб, ундан келгусида ўзининг истеъмол қилиши учун олиб қолган 9 конвалютадаги жами 90 таблетка 4.5 грамм кўп миқдордаги “трамадол” гиёҳвандлик воситаси далилий ашё сифатида олинган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2019 йил 17 май куни соат 15³⁰ ларда Самарқанд шаҳар А.Темур кўчасида таниши [REDACTED] хар бир таблеткаси 0.05 граммдан бўлган 18 конвалютада жами 180 таблетка “трамадол”ни 1.800.000 сўмга сотиб олиб, шундан сўнг 2019 йил 17 май куни соат 15³⁰ ларда Самарқанд шаҳар Регистон маҳалласи худудида, Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 7-сонли ИИБ ЖКБ тезкор вакиллари томонидан ўтказилган тезкор тадбир жараёнида, тадбир иштирокчиси “Жахон” исмли шахсга, ушбу 18 конвалютадаги жами 180 таблетка “Трамадол” психотроп воситасининг бир қисмини, яъни 9 конвалютадаги жами 90 таблетка “трамадол”ни 900.000 сўмга сотган вақтида ҳодиса жойида ушланиб, ундан келгусида ўзининг истеъмол қилиши учун олиб қолган 9 конвалютадаги жами 90 таблетка “Трамадол” психотроп воситасини ИИБ ходимлари олишганлигини, ҳозирда у содир этган қилмишидан қаттиқ пушаймонда эканлигини, унинг қармоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини ҳамда унинг оилавий шароитини инобатга олиб суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2018 йил январь ойида Тошкент шаҳрида унга номаъулм шахслардан 70 конвалютада жами 700 таблеткадан иборат “Трамадол”ни жами 2.100.000 сўмга харид қилиб, шундан бир қисмини истеъмол қилиб, истеъмолидан қолган 18 конвалютада жами 180 таблеткадан иборат бўлган “Трамадол” ни 2019 йил 17 май куни соат 15⁰⁰ ларда Самарқанд шаҳар А.Темур кўчасида судланувчи [REDACTED] 1.800.000 сўмга сотганлигини, ҳозирда у содир этган қилмишидан қаттиқ пушаймонда эканлигини, унинг қармоғида вояга етмаган фарзанди борлигини ҳамда унинг оилавий шароитини инобатга олиб суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Мадиев Бахтиёр Баёнович суд мажлисида, унга раҳбарияти томонидан 2019 йил 17 май куни фуқаро “Жахон” исмли шахсни аризаси бўйича қонуний қарор қабул қилишлик белгиланганлигини, шундан сўнг “Жахон” исмли шахсининг аризаси билан танишиб чикқанида у ўз аризасида Самарқанд тумани Шурбойча МФЙда истиқомат қилувчи Хакбердиев Дилшод Шодикулович ҳозирги кунда фуқароларга гиёҳвандлик воситасини сотиш ишлари билан шуғулланиб келаётганлигини унинг ушбу ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида ёзилганлигини, шундан сўнг ариза муаллифи “Жахон” исмли фуқаро билан гаплашганида у тезкор тадбир ўтказилишини тадбирда ўзи харидор сифатида қатнашишлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг тадбир иштирокчисига “психотроп” моддаларни назорат остида харид қилиб олиши учун унга пулларни тақдим қилишдан олдин икки нафар холис иштирокида тадбирда ишлатиш учун бериладиган жами 2.250.000

сўм пулларни ксеро нусхаларни олиб бу ҳақда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини, шундан сўнг тадбир иштирокчиси “Жахон” таниши Д.Хакбердиев билан телефон орқали гаплашиб улар Самарқанд шаҳар А.Темур кўчасида учрашишга келишиб олганидан сўнг улар холислар иштирокида айтилган жойга етиб бориб, у ерда “Жахон” Д.Хакбердиев билан учрашиб ундан “психотроп” моддасини харид қилиш мақсадида машинадан тушиб кетиб, шу кўчада турган сариқ рангли автомашинага бориб ўтирганлигини, кўп вақт ўтмасдан машинадан Д.Хакбердиев тушиб кўча бўйлаб пиёда кетиб қолганлигини, ордан 5-10 дақиқадан сўнг машина Университет хиёбони кўчаси томон ҳайдаб кетилганлигини, шунда улар ҳам ушбу автомашинанинг ортидан кузатувга тушишганлигини, автомашина Университет хиёбони кўчасига бориб тўхтаган вақтида Д.Хакбердиев қаердандир келиб машинага миниб, машина Регистон кўчаси йўналиши бўйлаб кетаётган вақтида Регистон маҳалласи ҳудудига бориб мазкур автомашинани йўлини тўсиб тўхтатишганлигини ва автомашинадан тушган Д.Хакбердиевга ўзларини таништиришганлигини уни психотроп моддасини сотганликда гумон қилаётганлигини айтиб унга ўзини таништиришини сўраганлигини у ўзини таништирганлигини, шу вақт ўзининг ёнини шахсий тинтув қилганида унинг қўлида бўлган оқ рангли целофан пакетчанинг ичида 9 конвалюта жами 90 дона психотроп модда яъни “Трамадол” борлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолат холислар иштирокида расмийлаштирилганлигини, шундан сўнг тадбирда харидор сифатида жалб этилган Жахон ҳам ўзининг ихтиёри билан уларга 9 конвалюта жами 90 дона “Трамадол” гиёҳвандлик воситасини Д.Хакбердиевдан 900.000 сўм эвазига харид қилиб олганлигини маълум қилиб унга пулларни олдиндан берганлигини, Д.Хакбердиев ундан пулни олиб машинадан тушиб кетганлигини ва кейинчалик Университет хиёбонидан машинага минган вақтида машина ҳайдовчисига билинтирмасдан яширин тарзда ушбу психотроп моддасини сотганлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг Д.Хакбердиевни 7-сонли ИИБ биносига олиб келиб ундан ушбу психотроп моддасини кимдан ва қаердан харид қилиб олганлиги ҳақида сўрашганида у унга ушбу психотроп моддасини Самарқанд шаҳар А.Темур кўчасида “Мобил Сервис” авиакассасида совдо қилувчи Меҳродж исмли танишидан харид қилиб олганлигини маълум қилиб унинг ушбу ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига чек қўйиш учун тезкор тадбир ўтказилишини, тадбирда ўзи харидор сифатида қатнашишлигини маълум қилиб ариза билан мурожаат қилганлигини, шундан сўнг у таниши Меҳродж билан телефон орқали гаплашиб ундан яна психотроп моддаси кераклигини сотиб олишини айтганида таниши унга бугун кетиб қолганини эртага келса топиб беришлигини 30 конвалюта жами 300 дона борлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг 2019 йил 18 май куни Д.Хакбердиевнинг аризаси бўйича тезкор тадбир ўтказиш мақсадида унга жами 2.100.000 сўм пуллар ва 50 АҚШ доллари холислар иштирокида ксеронусхалари олиниб баённома расмийлаштирилганлигини, шундан сўнг Д.Хакбердиев уларни

А.Темур кўчасига уни олиб боришини сўраганлигини, кейин холислар иштирокида айтилган жой яъни Самарқанд шаҳар А.Темур кўчасига жойлашган 1-сонли ҳаммом яқинига бориб тўхташганлигини, у ерда Д.Хакбердиев машинадан тушиб танишининг иш жойига яъни авиакассага кириб, у ердан кўп вақт ўтмасдан Дилшод билан яна бир нафар фуқаро чиққанлигини, Дилшод шу ерга кутиб турганлигини, у билан бирга чиққан фуқаро эса шу кўчада жойлашган савдо дўконига кириб у ердан кўлига целофан пакетча олиб чиққанлигини ва Д.Хакбердиевга берганлигини, шундан кейин Д.Хакбердиев уларнинг ёнига келиб уларга ўзининг ихтиёри билан 30 ковалюта жами 300 дона “Трамадол” психотроп моддасини тақдим қилганлигини, шундан сўнг унга ушбу психотроп моддасини сотган шахснинг ёнига бориб ундан ўзини таништиришини сўраганида у ўзини Хамидов Меҳродж Муминжонович деб таништирганидан сўнг ундан Дилшодга психотроп моддасини сотганликда гумон қилаётганлиги айтиб ундан Дилшоддан олган пулларни қаерда эканлигини сўраганида у пулларни иш жойидаги столнинг устига қўйганлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг тезкор тергов гуруҳи етиб келгунига қадар у ерга ҳеч кимни киритмасдан турганлигини, сўнгра тезкор тергов гуруҳи етиб келганидан сўнг мазкур иш жойи кўздан кечирилганда у ердан тадбирда ишлатиш учун Д.Хакбердиевга берилган пуллар столнинг устида бир ўрамда турганлигини бир кун олдин Д.Хакбердиевга сотган психотроп моддасининг пулларини ҳам сейфнинг ичида турганлигини, бир қисмини ишлатганлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг тадбир иштирокчилари ва холислар иштирокида ушбу ҳолатни тегишли равишда расмийлаштиришганлигини баён қилди.

Гувоҳ Файзиев Мирфайз Мирсаидович ва Саттаров Ислон Икромовичлар ўзларининг кўрсатмаларида гувоҳ Б.Мадиевнинг кўрсатмасига ўхшаш шу мазмундаги кўрсатмалар беришди.

Гувоҳ Янгибоев Темур Хусниддинович суд мажлисида, у 2014 йилдан буён Самарқанд шаҳар А.Темур кўчаси 40-уйда жойлашган Б.Бозоровга тегишли бўлган “озик-овқат”лар савдо дўконига сотувчи бўлиб ишлаб келишлигини, у ушбу савдо дўконининг ёнидаги бинода жойлашган авиакассада иш бошқарувчи бўлиб ишловчи Хамидов Меҳрож акани уч тўрт йилдан буён танишлигини, М.Хамидов у ишлаб келаётган савдо дўконининг ёнидаги бинони ижарага олиб ишлаб келишлигини, Меҳрож ака савдо дўконига озиқ-овқатлар, ичимликлар харид қилиш мақсадида кириб чиқишлигини, 2019 йил 17 май куни тушликдан сўнг савдо дўконига бўлган вақтида Меҳродж ака савдо дўконига кириб келиб, кўлида бўлган бир дона оқ рангли майда целофан пакетчани унга бериб ушбу пакетни олиб қўйишини бир оздан сўнг келиб олиб кетишини маълум қилганида у кишидан целофан пакетчани олиб кассанинг ёнида жойлашган шкафнинг устига қўйганлигини ва ўзининг савдо ишлари билан шуғулланишда давом этганлигини, ордан тахминан 20 дақиқалар вақт ўтганидан сўнг Меҳродж ака савдо дўконига кириб ундан целофан пакетчани олиб чиқиб кетганлигини, у кишидан ушбу пакетчанинг ичида

нима борлиги ҳақида сўрамаганлигини, худди шу тартибда 2019 йил 18 май куни соат тахминан 12:30 ларда савдо дўконида бўлган вақтида Мехродж ака кириб келиб унга қўлида бўлган оқ рангли майда целофан пакетчани бериб бир оздан сўнг олиб кетганини маълум қилиб чиқиб кетганлигини, у у кишидан олган целофан пакетчани олиб четроққа яъни шкафнинг устига қўйганлигини, ордан 5-10 дақиқалар вақт ўтганида сўнг Мехродж ака кириб келиб унга бериб кетган оқ рангли целофан пакетчани беришини айтганида у у киши бериб кетган целофан пакетчани шкафнинг устидан олиб берганлигини, у киши целофан пакетчани олиб дўкондан чиқиб кетганлигини баён қилди.

Гувоҳ Давронов Исматулло Абдусаломович суд мажлисида, у 2018 йил сентябрь ойидан бошлаб Самарқанд шаҳрида жойлашган “Равон Сити” МЧЖга тегишли бўлган нексия русумли сариқ рангли 30 097 ТТС белгили автомашинада тирикчилик қилиб келишлигини, у Хамидов Мехродж акани ёшлигидан буён танишлигини, у киши билан битта маҳаллада катта бўлганлигини, битта мактабда таҳсил олишганлигини, Мехродж ака Самарқанд шаҳар А.Темур кўчасида жойлашган авиакассада сотувчи яъни иш бошқарувчи бўлиб ишлашлигидан хабари борлигини, Мехрож ака билан таниш бўлганлиги сабабли у киши билан тўй маракаларда учрашиб туришлигини, 2019 йил 18 май куни тахминан соат 13:00 ларда Мехродж аканинг иш жойи жойлашган А.Темур кўчасидан ўтиб кетаётган вақтида у кишини ишхонасига кириб бир кўриб чиқай деган мақсадда тўхтаб, автомашинасини йўлнинг четки қисмига қўйиб ўзи пиёда Мехродж аканинг офисига кирганлигини, у ерда Мехродж аканинг ёлғиз ўзи ўтирганлигини, у киши билан ўзаро гаплашиб ҳол-аҳвол сўраб турган вақтида унга олдиндан таниш бўлмаган бир нафар фуқаро келиб унга салом бериб, Мехродж ака билан кўришганлигини, Мехродж ака ушбу фуқародан қанчадир миқдорда пул олиб, офисини ички тарафи яъни компьютер столига бориб ўтириб пулни санагандай бўлганлигини, у унга эътибор бермасдан ўзининг уяли телефон аппаратини ўйнаб ўтирганлигини, шу пайт Мехродж ака унга “сен шу ерда қараб тур мен икки дақиқада етиб келаман-деб ташқарига чиқиб кетганлигини, унга пул берган фуқаро эса ундан олдин чиқиб кетганлигини, орадани кўп вақт ўтмасдан у Мехроджнинг офисидан ўтирган вақтида унга таниш бўлмаган тўрт беш нафар фуқаролар келиб қўлидан телефон аппаратини тортиб олиб унга жойида турмаслигини айтишганлигини, у ушбу фуқаролардан нима бўлди тинчликми-деб сўраганида улар унга ўзларини ИИБ ходимлари деб таништиришганлигини, шу пайт эшикдан Мехроджнинг ИИБ ходимлари олиб киришганлигини ва Мехродж акадан пулни қаерга қўйганлиги ҳақида сўраганида Мехродж ака уларга пулларни турган жойини кўрсатганлигини, ИИБ ходимлари Мехродж акадан пулни қанча эканлиги сўраганида у киши билмаслигини айтганлигини, кейин ИИБ ходимлари ундан бирон-бир турдаги гиёҳвандлик ёки гиёҳвандлик воситасини истеъмол қиласиз-ми деб сўраганида, у уларни ҳеч нарса гиёҳвандлик ёки психотроп воситаларни истеъмол қилмаслигини айтганлигини, шундан

улардан нима ҳолат деб сўраганида улар унга Мехродж акани психотроп воситаларини ноқонуний савдоси билан шуғулланишини ҳозир бир нафар фуқарога сотганлигини маълум қилиб шунинг учун тадбир ўтказилаётганлиги ҳақида айтганлигини, унинг билганлари шулардан иборатлигини, у Мехродж ака билан бирон-бир иш юзасидан ёки психотроп воситаларни олиб-сотиб ёки шунга ўхшаш ишлар ҳақида гаплашмаганлигини баён қилди.

Суд ҳайъати, давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячиларнинг фикрларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчиларнинг жиноят содир этганликда айблари, тезкор тадбирда ишлатиш учун пул бериш, шахсни ушлаш ва тинтув қилиш баённомалари, эксперт хулосалари, тинтув баённомалари, юзлаштириш баённомалари, ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд ҳайъати, судланувчи [REDACTED] кўп миқдорда “Трамадол” гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш мақсадида сақлаши ҳамда кўп миқдордаги “Трамадол” гиёҳвандлик воситасини қонунга ҳилоф равишда сотишда ифодаланган жинойий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди ва 273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд ҳайъати, судланувчи [REDACTED] кўп миқдордаги “Трамадол” гиёҳвандлик воситасини қонунга ҳилоф равишда сотишда ифодаланган айбли ижтимоий хавфли қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, унинг содир қилган жинойий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, илгари судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлари жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятда содир қилганлигини эътироф этади.

Суд ҳайъати, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 37-бандидаги “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин” деган раҳбарий тушунтиришларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги, “жиноят содир этган

шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак” деган инсонпарварлик принципига амал қилиб, судланувчи [REDACTED] қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, илгари судланмаганлигини, тергов вақтида жиноятни очишида фаол иштирокини, гиёҳвандлик воситасининг тури ва миқдорини, содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, бу ҳолатлар у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг камидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан, тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд ҳайъати, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, илгари судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлари жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятда содир қилганлигини эътироф этади.

Суд ҳайъати, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 37-бандидаги “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин” деган раҳбарий тушунтиришларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги “жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”-деган инсонпарварлик принципига амал қилиб, судланувчи [REDACTED] қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, илгари судланмаганлигини, тергов вақтида жиноятни очишида фаол иштирокини, гиёҳвандлик воситасининг тури ва миқдорини ҳамда содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, бу ҳолатлар содир этган жиноятининг ижтимоий

хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг камидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд ҳайъати, жиноят иши юзасидан ашъвий далил деб эътироф этилган ва ҳозирда ДХХ Самарқанд вилоят ДАСХда сақланаётган жами 447 дона “Трамадол” гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457,460, 463,465-468,471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин ва жазони ўташ муддати 2019 йил 19 май кунидан бошлаб ҳисоблансин, унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси 273-моддаси 5-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топилсин.

нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан, 3 озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин ва жазони ўташ муддати 2019 йил 19 май кунидан бошлаб ҳисоблансин ва унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Тадбирда ишлатилган пуллар тадбир иштирокчиларга тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин ва жиноят иши юзасидан ашъвий далил

деб эътироф этилган ва экспертиза тадқиқотидан сўнг қолган 447 дона “Трамадол” гиёҳвандлик воситаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига мувофиқ гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш чоралари қўлланилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²,497⁴-моддаларига асосан ҳукм устидан ҳукм эълон қилингандан сўнг 10 сутка ичида маҳкумлар томонидан эса уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судига шаҳар суди орқали апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест билдириши мумкинлиги ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 498-моддасига асосан ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят ёки протест келтирилмаган тақдирда кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик этувчи судья;

А.М.Олтибоев

Халқ маслаҳатчилари:

Г.Хамраева

М.Якубжанова